

Муҳаммадга □ содиқ Муҳаммад Содиқ!



20:18 / 09.07.2018 4474

Диққат янги нашр!

Дунёда ўзининг ўтмишини ўрганмайдиган халқ йўқлиги, тарихнинг шавкатли саҳифаларини, оловли онларини бугунги ва келажак авлодларга ибрат-намуна сифатида етказишнинг аҳамиятини дуру жавоҳирлар билан ўлчаб бўлмаслиги барчамизга аён ҳақиқатдир. Хотиралар марказида эса, истаимизми-йўқми, тарихий шахслар юксак қоялар, тоғ чўққилари янглиф қад ростлаб турадилар. Даврлар, замонлар ўтади, бироқ маърифатли, зиёли қалблар наздида ўша қоя, ўша чўққилар олис-яқин мозий юксакликларидан нур ва зиё таратиб, келажак авлод йўлларини ёритиб тураверади.

«Hilol» нашриёти томонидан замонамизнинг беназир олими, халқимизнинг ифтихори, етук аллома, баркамол шахсият ҳамда гўзал инсоний хислатлар соҳиби бўлмиш фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳ ҳақларида замондошларимизнинг хотираларидан иборат «Муҳаммадга содиқ Муҳаммад Содиқ» номли китобни нашрдан чиқарди. Китоб жорий йилнинг 11 июлидан бошлаб сотувга чиқмоқда. Азизлар, ушбу китоб ҳам китоб жавонингиздан, ҳам қалбингиздан муносиб ўрин олади деб умид қиламиз, иншааллоҳ.